



## SOURCE STUDIES OF SUFI ORDERS OF THE BUKHARA KHANATE PERIOD

**Anvarjon Kandakharov**

*Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences, Associate Professor*

*Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [anvar0303\\_82@mail.ru](mailto:anvar0303_82@mail.ru)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** manuscripts, hagiographic works, archival documents, Djuybar khojas, Yassawi sheikhs.

**Received:** 26.12.24

**Accepted:** 28.12.24

**Published:** 30.12.24

**Abstract:** This article presents local sources about Sufi orders of the Bukhara Khanate period and their importance in revealing the essence of the subject. Also, based on the information presented in these works, an attempt is made to show the role of representatives of the Sufi order in socio-political and spiritual life. The article is based on translations and analyses of manuscripts of this period, carried out by historians and orientalists.

## БУХОРО ХОНЛИГИ ДАВРИ ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИ МАНБАШУНОСЛИГИ

**Анваржон Кандахаров**

*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент*

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [anvar0303\\_82@mail.ru](mailto:anvar0303_82@mail.ru)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** қўлёзмалар, агиографик асарлар, архив хужжатлари, жўйбор хожалари, яссавия шайхлари.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Бухоро хонлиги даврида тасаввуф тариқатларига оид маҳаллий манбалар ва уларнинг мавзу моҳиятини очиб беришдаги аҳамияти кўрсатилади. Шунингдек, ушбу асарларда келтирилган маҳлумотларга асосланниб, тасаввуф тарикати вакилларининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётдаги ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилинади. Мақола бу даврга оид қўлёзма асарларнинг тарихчи ва шарқшунос олимлар томонидан тарижима ҳамда таҳлиллари асосида очиб берилган.

## ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ СУФИЙСКОГО ТАРИКАТА ПЕРИОДА БУХАРСКОГО ХАНСТВА

**Анваржон Кандахаров**

*Доктор философии (PhD) по истории, доцент*

*Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [anvar0303\\_82@mail.ru](mailto:anvar0303_82@mail.ru)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** рукописи, агиографические произведения, архивные документы, джойборские хаджи, шейхи Яссави.

**Аннотация:** В данной статье представлены местные источники о суфийских орденах периода Бухарского ханства и их значение в раскрытии сути предмета. Также на основе сведений, представленных в этих работах, делается попытка показать роль представителей суфийского ордена в общественно-политической и духовной жизни. Статья основана на переводах и анализах рукописей этого периода, выполненных историками и востоковедами.

Ўрта Осиё худудида нисбатан узоқ давр мобайнида ҳукм сурган Бухоро хонлиги ва ундаги бири бирига яқин бўлган икки сулола – шайбонийлар ва аштархонийлар сулоласи даври узоқ йиллар давомида ҳар жиҳатдан чукур ўрганилмай, тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб, даврга тегишли тарихий манбалар таҳлилини ҳам етарлича деб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакатимиз тарихини ҳар томонлама чукур ўрганиш, айниқса аждодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган бебаҳо тарихий манбаларни таржима қилиш ва уларни тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада ўрта асрларда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган давлатчилик ва бу ерда ҳукмронлик қилган сулолалар тарихига оид кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Ҳусусан, Бухоро хонлиги даврида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан ҳикоя қилувчи тарихий манбалар ўрганилиб, холисона тарих ёзила бошланди. Бу давр манбалари ҳусусида умумий бир хулоса шуки, уларнинг мазмун-моҳияти, ёзилиш услуби жиҳатидан темурийлар, умуан олганда ўрта аср тарихнавислик анъаналарини давом эттирганлигини кўришимиз мумкин. Аксарият манбаларда воқеа ва жараёнларни тавсифлашда ўзларидан олдинги муаррихларнинг услугидан фойдаланишган.

Юкорида келтирилган фикрлардан ва тадқиқот мавзуси моҳиятидан келиб чиқиб, Бухоро хонлиги ва бу даврда мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва мданий ҳаётига сезиларли даражада таъсир кўрсатган тасаввуф вакиллари ҳаёт-фаолиятини очиб берувчи манбаларни *тўрт гуруҳга* бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи гурухга ўрганилаётган даврларда яшаб ижод қилган ва Бухоро хонлиги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини акс эттирувчи тарихчиларнинг асарлари; Иккинчи гурухга XVI-XVIII асрларда яшаган тасаввуф вакилларининг ҳаёти ва фаолияти, жамият диний мафкурасининг ва маҳнавий ҳаётининг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи агиографик асарлар, яъни маноқиблар ва тазкиралар; Учинчи гурух манбаларини расмий хужжатлар ташкил этиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви фондида сақланыётган Бухоро хонлиги даврига тегишли хукмдорларнинг фармонлари, вақфномалар, ишончномалар ва ёрликлар; Тўртинчи гурухга эса рус ва Европанинг бошқа тилларида ёзилган эсдаликлар ва саёҳатномаларни киритиш мумкин.

Биринчи гурухга оид шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даври тарихий манбаларига Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг “Абдулланома (1584-1590)”, Муҳаммадёр араб Қатағоннинг “Мусаҳхир ал-билод (1611)”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома (1506)”, Фазлуллоҳ ибн Рӯзбехоннинг “Меҳмонномайи Бухоро (1509)”, Мулла Шодийнинг “Фатҳнома(1502)”, Камолиддин Бинойнинг “Шайбонийнома (1505-1507)”, Мирза Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий (1541-1546)”, Ғиёсиддин Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр(1520-1524)”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ(1538-1539)”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома (1493-1529)”, ҳамда аштархонийлар даври тарихига оид Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор (1630-1635)”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний”, Муҳаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожанинг “Матлаб ут-толибин(1663-1673)”, Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк (1664)”, Ҳожи Мир Муҳаммад Салимнинг “Силсилат ус-салотин (1731)”, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома (1716 йилдан сўнг)”, Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Муҳит ат-таворих(1700)”, Абдураҳмон Толеънинг “Тарихи Абулфайзхон (XVII аср 1-ярми)”, Муҳаммад Вафо Карминагийнинг “Туҳфаи хоний (XVII аср)”, Ҳожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” каби ва бошқа шу давр ижтимоий-сиёсий ва маданий тарихидан ҳикоя қилувчи манбаларни киритиш мумкин.

XVI аср Бухоро хонлигига шайбонийлар сулоласи ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти, хусусан, Шайбонийхон ва унинг Дашиби Қипчоқ, Ўрта Осиё ва Хурросонда ҳукмронлик қилган авлодларидан Абдуллахон II нинг ҳарбий юришлари ҳамда давлатчилик фаолияти тўғрисида қимматли маълумотлар берадиган манбалардан бири Муҳаммадёр ибн Араб Қатағоннинг форс тилида ёзилган “Мусаҳхир ал-билод(Мамлакатларнинг эгалланиши)” асари. Академик Бўрибой Аҳмедовнинг таъкидлашича, ушбу асар фактик ва қомусий маълумотларга бой асар бўлиб, бизгача етиб келган бошқа ёзма тарихий манбалар материалларини аниқлаштириш, уларни тўлдиришда кўл келувчи муҳим манбадир. Ушбу асар дастлаб, 2008 йилда Техронда нашр этилганбўлиб,

асарнинг ўзбек тилидаги нашри 2009 йилда чоп этилди. Бугунги кунда “Мусаҳхир ал-билод асарининг XVI ва XVII асрларда кўчирилган бир қанча қўлёзма нусҳалари мавжуд бўлиб, улар дунёнинг Техрон, Санкт-Петербург, Тошкент каби шаҳарларида ноёб қўлёзмалар фондида сакланиб келинмоқда ҳамда ушбу асарни Н. Жалолий, К. Залеман, В. Розен, И.Умняков, М.Салоҳиддинова, М.Абусеитова, Б.Аҳмедов, И.Бекжон, Ж.Ҳазратқулов ва инлиз шарқшуноси Чарлз Сторинг каби олимлар томонидан ўрганилганли ҳам ушбу асарнинг шайбонийлар даври ижтимоий-сиёсий ҳаёти тўғрисида маълумот берувчи муҳим асарлардан бири дейиш мумкин”. Ушбу асарни тадқиқ қилган К.Залеман, В.Розен ва И.Умняковларнинг фикрига кўра асар Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома (Шарафномайи шоғий)” асаридан кўчирма деб қайд этишса, Чарлз Сторинг эса асарни “Тарихи Шайбоний” номи билан тилга олади. Тарихчи олима М. Абусаитова ушбу асарни Қозоғистоннинг XVI аср тарихини ўрганишда муҳим манба эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

“Мусаҳхир ал-билод” асари муаллифининг ёзишича, бошқа тарихчилар каби унинг ҳам асарни ёзишдан мақсади замондошларини ўтмиш воқеалар билан таништириб, халқ оммасининг бу борадаги тасаввурини оширишдан иборат бўлган. Муҳаммадёр араб қатағоннинг ёзишича, ўзининг озгина тарих илмидан ҳабардор эканлигини билдириб, ўзи хурмат қилган ҳоқон соҳибқиран Абдуллахон тарихини ёзиш мақсадида ўзидан олдинги тарихчилар асарларидан маълумот тўплаб, уларни мамлакат ва шаҳарлар эгалланиши мавзуси остида бир ерда акс эттиришга киришгани ва бу асар номини “Мусаҳхир ал-билод” деб атаганлигини эслатиб ўтади[2; 430]. Ушбу маълумотлан кўринадики, муаллиф асарни ўз замонаси ҳукмдорига эмас, балки бир неча йиллар олдин вафот этган шайбоний Абдуллахон ибн Искандархон хотирасига бағишлиаган.

Асарнинг муқаддима қисмida Даشتি Қипчоқдаги қўчманчи халқлар, жумладан, қўчманчи ўзбеклар подшоси Абулхайрхон ҳаётига бағишиланади. Биринчи бобда эса Шайбонийхоннинг отаси Шоҳ будоғ султон ибн Абулхайрхон, Шайбонийхон ва унинг фарзандлари ҳақидаги маълумотлардан иборат. Иккинчи бобда Шайбонийхоннинг амакиси Кускунчихон ибн Абулхайрхон ва унинг авлодлари, учинчи боб Севинчхожаҳон ибн Абулхайрхон ва унинг авлодлари, тўртинчи бобда Ҳожа Муҳаммад султон ибн Абулхайрхон ва унинг авлодлари ҳамда чевараси Абдуллахон ҳаёти ва юришлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бешинчи бобида Абдулмӯмин ибн Абдуллахоннинг тахтга чиқиша ва ўша даврда кечган воқеалар тасвири, олтинчи бобда эса Бухоро шаҳри ва бу шаҳар ҳақида улуғлар таърифи ва муқаддас заминда яшаб ижод қилган саййидлар, шайхлар ва фозил кишилар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Умуман олганда “Мусаххир ал-билод” асари Ўрта Осиё ва Ҳурисоннинг шайбонийлар сулоласи хукмронлиги даври ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти, хусусан, бу даврларда яшаган тарихий шаслар, диний тасаввуф уламолари ҳаёт-фаолиятига оид қимматли маълумот берувчи асарлар сирасига киради.

Шайбонийлар ва аштархонийлар даври ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларини ёритувчи бир қанча манба ва адабиётлар мавжуд бўлиб, улардан бири Муҳаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожанинг “Матлаб ут-толибин” (“Толиблар матлаби”) асари бўлиб, асар таҳминан 1673 йили ёзиб тугатилган. Асар XVI-XVII асрларда Бухоро хонлигининг сиёсий, диний ва иқтисодий ҳаётида юқори мавқега эга бўлган Жўйбор шайхлари ёки хожалари хонадонининг бир неча вакиллари фаолиятига бағишлиланган. Унда Жўйбор хожаларининг ҳаёт тарзи, молу мулклари, муридлари ва қурдирган иморатлари ҳамда Бухоро хонлари билан ўзаро муносабатлари ҳақида маълумотлар берилади.

Асар муаллифи Абулаббос Муҳаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа ал-Ҳусайнин ас-Сиддикий бўлиб, Бухородаги машҳур Жўйбор хожалари хонадонида тухилган. “Матлаб ут-толибин” да муаллиф ўзи ҳақидаги маълумотларни ҳам келтиради. Унда айтилишича, 1056 йил 21 рамазон/1646 йил 30 октябрда отаси Тожиддин Ҳасанхожа вафот этганида 39 ёшда бўлганлигини эслатиб ўтади[7; 3]. Бундан келиб чиқадики, Муҳаммад Толиб 1017/1608-1609 йилларда туғилган. Жўйбор шайхлари хонадонида фарзандлар таълимтарбиясига катта эътибор берилган. Муҳаммад Толиб уз устозлари каторида Мулло Камолиддин, Ҳожи Аваз ва Охунд Мулло Боқиларни айтиб ўтади. У мустақил равишда ҳам китоблар мутолааси билан кўп шуғулланиб, отаси Тожиддин Ҳасанхожанинг кутубхонасида турли соҳдларга оид мингдан ортиқ китоблар сақданганлигини қайд этиб ўтади. Муҳаммад Толибда айниқса, тарих илмига нисбатан қизиқиши кучли бўлган.

“Матлаб ут-толибин” асари ёзилган сана ҳақида бир-биридан фарқ қилувчи турли маълумотлар мавжуд. Асарнинг илк тадқиқотчиларидан бири, рус шарқшунос олими В.Л.Вяткин асарни таҳминан 1646-47 йилда ёзилганлигини таъкидлайди[14; 3]. Асарнинг 2016 йилда нашр этилган таржима нусҳасида келтирилишича, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида сақланаётган №1461, №3757 қўлёзмалари учун тузилган карточкаларда асар ёзилган сана сифатида 1679-80-йиллар кўрсатилганлиги айтилади[7; 6]. Хусусан, асарнинг бешинчи бобида “Йигирма йилдан буён Абдулазизхон(1645-1681) Мовароуннаҳр ва Туркистон вилоятларида подшоҳлик қилмоқда ҳамда хутба ва танга унинг номидадир”, - деб айтиб ўтилади. Бунга асосланган П.П.Иванов Абдулазизхоннинг 1645 йилда таҳтга ўтирганлигини инобатга олиб, “Матлаб ут-толибин” асари 1665 йилда ёзилган бўлиши керак деган таҳминга келади[27; 3]. Яна баъзи бошқа адабиётларда ҳам асар ёзилган сана сифатида кўпинча 1662-63, 1663-64, 1664-65-йиллар

кўрсатилади. Рус шарқшуноси Н.Д.Миклухо Маклай бу саналардан қайси бири тўғрилигини аниқлаш қийин эканлигини таъкидлайди. Лекин асарни ўрганиб, таҳлил қилиш натижасида айтиш мумкинки, бу келтирилган саналарнинг бирортаси айнан асар ёзилган санага аниқ мос келмаслигини кўришимиз мумкин. Мисол учун 5-бобнинг 11-фасли охирларида Муҳаммад Толиб Абдулазизхон 25 йил ҳукмронлик қилганини ва шу бобнинг 12-фаслида эса муаллиф Абдулазизхон 28 йилдан бери подшоҳлик тахтида ўтирганини таъкидлайди. Бундан кўринадики “Матлаб ут-толибин” асари асосан Абдулазизхон ҳукмронлиги даврида бир неча йиллар мобайнида ёзилган. Асардаги даврга оид энг сўнгги маълумот, яъни Абдулазизхоннинг 28 йил ҳукмронлик қилаётгани ҳақидаги маълумотни эътиборга оладиган бўлсак, 1672-73-йилларга тўғри келади. Хулоса қилиб айтганда, “Матлаб ут-толибин” асари XVII асрнинг 70-йилларида ёзиб тугалланган ёки олдинроқ ёзилган бўлса ҳам, муаллиф томонидан шу йилларда қайта таҳрир қилинган дейиш мумкин.

“Матлаб ут-толибин” қискача мұқаддима ва 8 бобдан иборат бўлиб, мұқаддимада муаллиф асарнинг манбалари ва ёзилиши ҳақида умумий маълумот бераб ўтади. Муаллифнинг айтишича, отаси Жўйбор хожалари насабномаларини замон подшоҳлари ва амирларига кўрсатиш учун йиғдирган. Шунингдек, бобоси ва отасининг баъзи ёронлари ушбу хонадон аҳли мақомотларига бағищлаб китоб ва рисолалар ёзишган. Муҳаммад Толиб ҳам мавжуд китоблар ва ўз кўрганлари асосида айни мавзуда янги бир китоб тартиб беришга қарор қиласди. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, муаллиф асарда ўзи фойдаланган манбаларнинг барчасини зикр қилмасдан, улардан баъзи бирларини номини келтирган. Жумладан, Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”, Муҳаммад Қозининг “Силсилат ул-орифин,” ҳамда Бадриддин Кашмирийнинг бир қанча асарлари номлари келтириб ўтилади. Булардан ташқари, қиёслаш натижасида Муҳаммад Толиб ўз китобида Ҳусайн ибн Мирхусайн Сарахсийнинг “Маноқиби Саъдия” асаридан ҳам фойдалангани маълум булади[18; 52].

Иккинчи гурӯҳ. Бой тарихий меросимизнинг ижтимоий-маънавий томонларини ўрганиш ва тарғиб қилишда агиографик асарлар – тазкира ва маноқибларнинг ҳам ўрнини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Маноқиб – арабча фазилат, буюк кишилар, яхши сифатлар, гўзал хислатлар, мақтовлар, бирор кишининг фазилат ва мартабасини мақтаб ёзилган асар. Маноқиблар асосан, шу кишиларнинг ҳаёт йўли билан таниш ёки маслаҳдош бўлган кишилар томонидан ёзилган. Маноқибларда гарчи тарихий саналар ва шахс исмлари тўлиқ кўрсатилмаса-да, сўз юритилаётган зотнинг ҳаёти, ижоди ва тасаввуфий фаолияти билан боғлиқ аҳамиятли воқеа, ҳодисаларга муносабат билдиради[19; 193].

Маноқиблар нафақат адабий, балки муҳим тарихий манбадир. Чунки уларда бошқа манбаларда учрамайдиган, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётига доир кимматли маълумотларни учратиш мумкин. Маноқиблар табаррук сахифаларидан жой олган бой маънавий-тарихий меросимизни чукур ўрганиш, илмий таҳлил қилиш тарихчи ва манбашунослар олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Шу нуқтаи назардан келаб чиқиб, Ҳусайн ас-Саражсийнинг “Маноқиби саъдийа” асарининг илмий-маърифий қиммати, XVI аср ижтимоий-маънавий ҳаётини, айниқса Жўйбор хўжаларининг йирик вакили Хўжа Исломнинг (1493-1563) ижтимоий-сиёсий ва маънавий фаолиятини ўрганишдаги аҳамияти катта. “Маноқиби саъдийа” асарининг дастлабки тадқиқотчилари атоқли олимларимиздан Б. Аҳмедов ва Ҳ. Тўраевлардир.

Асар муаллифи тўғрисида маълумотлар жуда кам бўлиб, “Маноқиби саъдийа” да қайд этилишича, Ҳусайн ас-Саражсий Саражсдан Бухорога келиб, Хўжа Исломга мурид тушади ва узоқ муддат унинг ёнида бўлади. Асарни ёзишда муаллиф бир қанча мақомотлардан, шунингдек, Хўжа Исломни кўрган, билган, ҳамсuxbat бўлган кишиларнинг маълумотларидан кенг фойдаланган. Хўжа Али Рометаний, Амир Кулол, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисида асарда келтирилган маълумотлар муаллифнинг ўз асарини ёзишда бошқа мақомотларга мурожаат қилганидан далолат беради. Асар муқаддима ва олти бобдан иборат. Биринчи бобда Хўжагон тариқати ва унинг асослари тўғрисида маълумот берилади. Иккинчи боб Хўжа Исломнинг аждодлари тарихига бағишланган бўлиб, бу ерда унинг шажараси келтириб ўтилади. Учинчи бобда Хўжа Исломнинг таваллуд топиши ва болалик йиллари, тўртинчи бобда эса унинг қозоқлар юртига сафар қилиши баён этилади. Бешинчи боб Хўжа Ислом ҳаётининг интиҳоси, олтинчи боб унинг фарзандлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Хўжа Исломнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда тутган ўрни, мавқеи, шайбонийлар сулосаси ҳукмдорлари билан муносабати, Нақшбандия тариқати шайхи сифатидаги маънавий-рухий фаолияти, ахлоқий камолот поғоналарини забт этишдаги саъй-харакатлари баён этилади.

Асар XVI аср иккинчи ярмида Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий вазият каби масалаларни ўрганиш учун муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф Хўжа Ислом таржимаи ҳолини жуда яхши билғанлиги боис, унинг болалик ва ўсмирлик йилларидағи воқеаларни батафсил баён қиласди. Нақшбандия ва Жаҳрия тариқати намояндлари ўртасидаги ўзаро муносабат тўғрисида асарда баъзи маълумотлар учрайди. Асарда баён этилган маълумотларига суюнадиган бўлсак, Яссавия-Жаҳрия тариқати йирик намояндаси Шайх Худойод(1461-1532)нинг Нақшбандия тариқатида бўлган Жўйбор хўжалари хонадонига муносабати яхшилиги маълум бўлади. Шайх Худойод Бухорога келганда(тахм. 1498 йиллар), ёш Хўжа Ислом унинг сұхбатига иштирок этганлиги ва шайх муридлари

томонидан қилинган зикру самоънинг гувоҳи бўлганлиги айтилади. Шу сухбатда Шайх Худойдод томонидан ёш Хўжа Исломга илтифотлар кўрсатилади[21; 18].

“Маноқиби саъдий”да 1510 йиллардаги Эрон қизилбошларининг хужуми натижасида Мовароуннаҳрдаги сиёсий барқарорликни издан чиқаргани ва Хўжа Ислом тақдирига ҳам муайян салбий таъсир қилгани тўғрисида маълумот билан бирга Бухоро тахти учун шайбоний сultonлари ўртасидаги ўзаро кураш ва бунда Хўжа Исломнинг муросасозлик фаолияти тўғрисида қатор тарихий маълумотларни ҳам келтириб ўтади.

Умуман олганда, “Маноқиби саъдий” асарининг бир қисми Хўжа Ислом маънавий-рухий фаолиятини, ғайриоддий хислатларини ёритишга бағишиланган. Унинг маслаҳатига қулоқ тутганлар шараф топганлиги, эътиroz билдирганлар эса шикаст топганлиги тўғрисида кўплаб мисоллар келтирилади. Хўжа Ислом яшаган давр маънавий-рухий ҳолатини ўрганиш учун асар муайян аҳамият касб этади. “Маноқиби саъдий” асари Хўжа Исломнинг йирик диний арбоб, тариқат пешвоси, нодир қобилият соҳиби сифатида жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни, шунингдек, маънавий-маданий ва ижтимоий тарихнинг қатор масалаларини ўрганиш, янгича талқин ва мушоҳада қилишда ёрдам берувчи муҳим манбадир.

XVI-XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини акс эттирувчи тарихий манбалардан бири Олим Шайх Азизоннинг “Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс” (Муқаддас хушбўйликлардан лаҳзалар) асари бўлиб, ушбу асар ҳам тузилиши ва жанр нуктаи назаридан маноқиблар туркумига хос. Ушбу асарнинг тадқиқот учун илмий қиймати шундаки, асарда Бухоро хонлиги даврида яшаган яссавий шайхларининг ҳаёти ва фаолияти, хусусан, Қосим Шайх Азизон (тажм.1500-1580) ва Шайх Худойдод(1461-1532)нинг ҳаёти, фаолияти ва авлодлари, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни каби масалалар баён қилинади[22; 192].

Асар муаллифи Шайх Худойдоднинг яқин халифаларидан бири бўлиб, унга қарин-дошлиқ ришталари билан боғлангани учун ҳам бу манбани Шайх Худойдод ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ишончли манба деб айта оламиз. Шунингдек, Шарафуддин Роқимиининг “Тарихи томм” асарида ҳам бу манбанинг ишончли эканлигини таъкидлаб: “Олим Шайх (қуддиса сирруху) ўз таснифлари “Китоби ламаҳот”да ул зот (Шайх Худойдод) мақоматларини тўғри ёзганлар”, деб айтиб ўтади.

Асар кенг илмий жамоатчилик орасида қисқача “Ламаҳот” деган ном билан машҳур. Манба таниқли яссавия шайхларидан бири Муҳаммад Олим Шайх Азизон ибн Мўъмин Шайх ибн Дарвеш Шайх Азизон қаламига мансубдир. Асарнинг сўз бошисида келтирилишича, Олим Шайх Азизон насаб жиҳатдан ота томонидан Абу Бакр Сиддиқ (р.а.а)га, она томондан эса алавийларга (яъни Али (р.а.а)нинг Биби Фотимадан бошқа

аёлларидан туғилган фарзандлари) бориб тақалади. “Ламаҳот” асарининг яссавия тариқати силсиласини, тарихини, унинг ғояларини ифодаловчи ҳамда тариқат вакиллари ҳаёт ва фаолиятлари түғрисидаги мухим манбалардан бири эканлигини Э.Каримов ҳам ўз тадқиқотларида эслатиб ўтади[24; 21].

Мұхаммад Олим Шайх Мовароуннахр худудида марказий ҳокимият учун ўзаро курашлар кучайған бир даврда, яъни 1564 йил Тошкент шаҳрида туғилған ва кейинчалик Самарқанднинг Алиобод деган мавзеига кўчиб кетади. Бу кўчиш түғрисидаги маълумотлар “Хужжат ул-зокириң” асарида қўйидагича келтирилади: “...Тошкент вилоятида тафриқа (келишмовчилик) пайдо бўлиб, улар (Олим Шайх)нинг отаси Мўъмин Шайх оила аҳли билан Алиободга ташриф буюрдилар ва у ерда Мавлоно Исламутлоҳ мулизиматида бўлдилар[25; 108]”.

Олим Шайх Азизон Имомкулихон(1611-1642) даврида Самарқандда аълам вазифасида фаолият юритганлиги Алиобод мавзеида жомеъ масжиди, ҳонақоҳ ва мадраса бино қилганлиги түғрисидаги маълумотларни “Самария” асари муаллифи эслатиб ўтади[26; 170].

Бу асар ҳам агиографик асарларга хос жанр ва тузилишга эга. Хусусан буни Миклухо-Маклай ҳам ўз тадқиқотларида “Ламаҳот” асарини тузилиши жиҳатдан агиографик асар (маноқиб)лардан деярли фарқ қиласидан деб таъкидлаб ўтади. Уни Ҳожагон-Нақшбандия тариқати вакиллари ҳаёти ва фаолиятига бағишинланган “Рашоҳот айн-ул-ҳаёт” асари билан қиёслаш мумкин” [27; 133], - деб изоҳлайди.

Асар муқаддима ва икки боб (“мақсад”)дан иборат. Олим Шайх асарни асосан икки мақсадни кўзлаб ёзганлигини бир неча ўринларда эътироф этади. Хусусан, биринчи мақсад жаҳрий зикр моҳиятини илмий далиллар асосида исботлаш ва унинг афзалликларини кўрсатиб беришга бағишинаниб, кўплаб ривоятлар, ҳадислар ва Қуръони каримдан мисоллар келтирилади. Иккинчи мақсадда эса яссавия тариқати улуғларининг мақомлари ва кашфу кароматларини кенг ёритиш, уларнинг тасаввуфга оид “калимоти қудсий” (муқаддас сўзлар)ларидан нақллар келтириш ва муаллиф ўзидан олдин ўтган тариқат силсиласининг улуғ шайхлари баёни берилади. Хусусан, уни силсила асосчиси Ҳожа Ахмад Яссавийнинг таърифу тавсифидан бошлайди[22; 23].

Асар нафақат Яссавия балки бошқа тариқатлар тарихи, уларнинг моҳияти, пиру муршиidlар ҳақида ҳам маълумот беради. Шунингдек у Ўрта Осиё худудида мавжуд бўлган кўплаб тарихий мавзелар қадимий топоним номларини тиклаш имконини беради. Асарда келтирилган маълумотларни воқеа ва ривоятлар ҳадислар орқали мустаҳкамланиб, муаллифнинг шахсий фикрлари билан тўлдирилган.

“Ламаҳот”да шайх ва ҳукмдор, шоҳ ва дарвеш муносабатларига доир кўплаб тарихий фактлар мавжудки, улар бевосита яссавия тариқати вакиллари ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Хусусан, Муҳаммад Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрга ҳукмдор бўлишида Аҳмад Яссавийнинг маънавий хизмати, шунинг натижасида Шайбонийхонда Аҳмад Яссавийга нисбатан ҳурмат-эҳтиромнинг кучайиши, Мирзо Бобур, Абулхайрхон, Убайдуллахон, Жавонмард Алихон, Султон Аҳмад Мирзо, Амир Боқи (Боқи тархон – Бухоро хокими), Кистанқара султон, Бобо султон, Шоҳим Қўрчи, Бароқхон (Наврӯз Аҳмад), Пирмуҳаммад, Искандархон, Абдуллахон II, Абдуллатифхон каби ҳукмдорларнинг яссавия шайхлари билан бўлган яқин муносабатларига доир маълумотлар ҳамда улар замонида бўлиб ўтган воқеалар жуда кенг ёритилганки, бундан ўша замонга оид номаълум воқеалар баёнининг келтирилиши тарихшунос олимларимиз учун қимматли маълумот бўлиб ҳизмат қиласди.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ҳофиз Тониш ал-Бухорий. Абдулланома. (Шарафномайи шоҳий). 1-ва 2- китоб. Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси. Тошкент.: Шарқ, 1999, 2000. -416, -288. Б. Б.
2. Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод. -Т.: Янги аср авлоди, 2009. - 432 б.
3. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. -336 б.
4. Фазлиллаҳ ибн Рузбекан Исфахани. Мехманнамаей Бухара (Записки Бухарского гостя). Пер. Р.П. Джалиловой; под.ред. А.К.Арендса. М.: Наука, 1976. -445 ст.
5. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашиди. Нашрга тайёрловчилар: С.А.Азимжонова, А.Ўринбоев, О.Х. Жалилов. - Тошкент, 1999, - 709. Б.
6. Зайниддин Муҳаммад Восифий. Бадоеъул вақоеъ(нодир воқеалар). Форсчадан Н.Норкулов таржимаси. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 108 б.
7. Абулабbos Муҳаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа ал-Ҳусайний ас-Сиддикий. Матлаб ут-толибин. Форс тилидан Ғ.Каримий ва Э.Миркомилов таржимаси. Тошкент.: Мовароуннаҳр, 2016. –384 б.
8. Абулғозий. Шажараи турк. Тошкент.: Чўлпон, 1992. – 192 б.
9. Мир Мухаммед Амин-и Бухари. История Абулфайх-хана. Перевод А.А.Семенов. Ташкент.: Академия наук Узбекский ССР, 1957. -326 с.
10. Муҳаммад Амин Бухорий. Муҳит ат-таворих. Тошкент.: Фан, 2020. - 284 б.
11. Абдурахман-и Тали. Убайдулла-наме. Перевод А.А.Семенов. Ташкент.: Академия наук Узбекский ССР, 1959. -180 с.

12. Хожа Самандар Термизий. Даастур ул-мулук. Форс тилидан Ж.Эсонов таржимаси. Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1997. -272 б.
13. Абулаббос Мухаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа ал-Хусайнин ас-Сиддикий. Матлаб ут-толибин. Ғ.Каримий ва Э.Миркомилов таржимаси. Тошкент.: Мовароуннаҳр, 2016. – Б.3.
14. Вяткин В.Л. Шейхи Джуйбари / В.В.Бартольду: Туркестанские друзья, ученики и почитатели. Ташкент.: 1927. –С.3.
15. Иванов П. П. Хозяйство Джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI-XVII вв. Москва-Ленинград: Издательство АН СССР, 1954. –С. 18.
16. Миклухо-Маклай Н. Д. Описания персидских и таджикских рукописей Института народов Азии. Выпуск 2: биографические сочинения. Москва: Издательство восточной литературы, 1961. № 195.
17. Абулаббос Мухаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа ал-Хусайнин ас-Сиддикий. Матлаб ут-толибин. Ғ.Каримий ва Э.Миркомилов таржимаси. Тошкент.: Мовароуннаҳр, 2016. – Б.240-251.
18. Ҳусайнин ас-Сараҳсий. Маноқиби Саъдийа. Ҳўжа Ислом мақомотлари. Форсчадан Ҳ.Тўраев таржимаси. Бухоро, 2002. -52 Б.
19. Kandaharov, A. (2018). The Khanate of Bukhara and the activities of the Karmana Sheikhs. T.: *Tafakkur qanoti*, 2018. –Б. 200.
20. Кандахаров, А. Ҳ. (2017). Особенности социально-политической жизни государства шейбанидов XVI века. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (1-4), 26-28.
21. Тўраев Ҳ. Нақшбандийлик ва Жўйбор хўжалари // Жаҳон мулкининг нигоҳбони. – Бухоро, 1993.-Б.18.
22. Мухаммад Олим Шайх Азизон. Ламаҳот. Яссавия тариқати пирлари мақомоти. Форсчадан К.Каттаев ва А.Нарзуллаевлар таржимаси. Самарқанд, 2007. -192 Б.
23. Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. Т.: Маънавият, 1998. – Б.85.
24. Каримов Э.Э. Йассавийа и Ходжаган Накшбандийа: история действительная и вымышленная. Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б. 21.
25. مұхаммад شариф ал-Ҳусайнин ал Алавий Бухорий томонидан 1090/1679 йилларда ёзилган қўллэзма. ЎРФА Шарқшунослик институти қўллэзмаси. И nv.№2667, 1086- бет.
26. Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария (Самарқанд мозорлари зикри). Форс тилидан А.Сатторий таржимаси. Т.: Янги аср авлоди, 2009. –Б.170.
27. Миклухо Н.Д. Описание Таджикских и Персидских рукописей. Выпуск-2. М.: 1961. -с.133.